

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6/2024

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтияр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Ҳалилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен»
республика танловида «Энг яхши ёри-
тилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бў-
йича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
«Даврбанк» ХАТБ Олмазор филиали
Келес банк хизматлар маркази
МФО 01121, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: (71) 278-25-96, 278-91-96,
278-96-54, ФАКС: 273-96-60

E-mail: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz
Telegram: <https://t.me/ODsud>

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан
босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва
кайтарилмайд.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» –
«Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттеста-
ция комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30
декабрдаги 201/3-сонли қарори билан док-
торлик диссертациялари бўйича илмий ма-
қолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхати-
га киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий комму-
никациялар агентлигида 0026-рақам би-
лан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа
бошлаган.

Босишга 2024 йил 6 июнда рухсат этил-
ди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма та-
боқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал
таҳририят компютерида терилди ва саҳи-
фаланди. Буюртма – 06-1.

Нашр адади - 3000 нусха.

НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«Standard Poligraf Service» МЧЖ
қўйима корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100152, Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-Б уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»-ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....14

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Д. Муродуллаев. Меҳнат шартномасини бекор қилишдаги айрим муаммолар...21

СУД БУЙРУҒИ

А. Мамараимов. Иқтисодий судларда буйруқ тартибида иш юритишнинг муаммолари.....24

РАҚОБАТ ВА СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИК

Ш. Холмахматова. Рақобатга доир низолар судга тааллуқлилигининг ўзига хос хусусиятлари.....29

ЕР ҲУҚУҚИ

Ш. Бобоқулов. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....33

ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ

Ж. Холмўминов. Экологик қонунларга риоя қилиш – келажак ҳаётимиз кафолати.....39

СУДЬЯЛАР ОДОБ АХЛОҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

А. Камаров. Судьялар интизомий жавобгарлигига оид қонунчилик масалалари.....45

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ж. Шаропов. Янги Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигида нималар ўзгарди?...49

КОРРУПЦИЯ

З. Тўхтасинов. Тараққиёт йўлидаги тўсиқ.....51

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ер фонди давлат бошқарувини меъёрий-ҳуқуқий ўрнатиш асосида ер муносабатларини тартибга солиш, ер муносабатлари субъектларига қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаш, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга шароитлар яратиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш устидан доимий назорат олиб бориш, ер қонунчилигини бузувчиларга нисбатан зарур муҳофаза таъсир чораларини қўллаш каби воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари соҳасида давлат бошқаруви ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

ерлардан табиий, ижтимоий ва хўжалик объекти сифатида фойдаланишни тартибга солиш;

ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини таъминлаш;

ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларини мустақамлаш;

ер муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилиш;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича қонуний фаолиятларига давлатнинг ҳуқуққа хилоф аралашувига йўл қўймаслик;

ер ва атроф табиий муҳитни бузилишдан асраш;

ер эгалари, мулкдорлари ва фойдаланувчиларининг мамлакатнинг муҳофаа ва хавфсизлик салоҳиятига зарар етказувчи, бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи фаолиятига барҳам бериш;

барча фуқаролар учун уларнинг ерга нисбатан ҳуқуқлари туридан қатъи назар, давлат ер фонди бошқарувида оид чоратадбирларини амалга ошириш;

ер бозор муомаласига (ер бозори, банки, суғурта ташкилотлари ва бошқа иқтисодий институтлар шаклланганда) жалб этилганда бу борадаги муносабатларнинг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш.

Ўзига хос, кўп функцияли ва таркибий жиҳатдан мураккаб объект сифатида ер ресурслари соҳасида бошқарув фаолияти турли – республика ва маҳаллий даражада амал қилади ҳамда бир вақтнинг ўзида ерда хўжалик юритувчи субъект билан узвий алоқадорликда ягона давлат ер сиёсати комплекс амалга оширилишини таъминлайди.

Бизнингча, ер соҳасида давлат бошқарувини умумий, махсус, тармоқ (идоравий) ва ички хўжалик давлат бошқарувида ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Ер соҳасидаги умумий ваколатли давлат бошқарув органларига Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳал-

лий давлат ҳокимият органларини киритиш мумкин. Улар ўз ваколатлари доирасида бошқа масалалар билан бир қаторда ер ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини ҳам амалга оширади.

Махсус бошқарув экология соҳасидаги махсус ваколатли орган – Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда ер соҳасидаги ваколатли органлардан бири – Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Тармоқ бошқаруви эса вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлатнинг бошқа идоралари томонидан ўз юрисдикциясидаги ер фонди тоифаларига нисбатан амалга оширилади. Тармоқ бошқаруви ер фондини умумий бошқарувига нисбатан давлат органлари ваколатларининг торлиги билан фарқ қилиб, бу бошқарув у ёки бу халқ хўжалиги соҳаси олдидан турган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган бўлади. Ер соҳасида тармоқ бошқарувини мамлакатимизда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (қишлоқ, ўрмон ва сув фонди ерлари бўйича), Мудофаа вазирлиги (мудофаа фонди ерлари бўйича), Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (алоқа фонди ерлари), Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (транспорт фонди ерлари), Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (саноат фонди ерлари) амалга оширади.

Ички хўжалик бошқарувини эса, ердан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланувчи субъектлар – фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ширкат хўжаликлари ва бошқалар амалга оширадилар.

Шу ўринда, ер муносабатларини давлат томонидан бошқаришни амалга оширишда тармоқ ваколатли давлат органлари сифатида, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

хузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳуқуқий ҳолатига тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 7 сентябрдаги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи ўртага ташланган.

Фармонга кўра, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан бирга ер участкаларини ажратиш ҳақидаги қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳужжатлар Миллий геоахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ҳозирги пайтда кадастрга оид баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонуности ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиниши лозим. Аммо, ерларни кадастрга оид баҳолашни амалга ошириш ва маълумотларни ер кадастрга киритиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг барчаси ҳам тартибга солинган эмас. Демак, ушбу ижтимоий муносабатларни қонунчилик даражасида ҳуқуқий тартибга солиш зарурати юзага келган. Биринчидан,

ерларни оммавий баҳолаш маълумотлари асосида (аниқ объектларни) индивидуал баҳолаш ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, Е.Самохинанинг фикрига қараганда, буюртмачилар кўпгина ҳолларда ер сотиш пайти камроқ солиқ тўлаш мақсадида уларнинг ҳақиқий баҳосини яширар эканлар. Шунинг учун баҳолаш объекти тўғрисида аниқ маълумотларни қўлга киритиш учун харидорлар риэлторлар ёрдамидан фойдаланар эканлар¹. Бундай маълумотлар мавжуд бўлганда ер кадастри ер участкалари борасидаги бу каби муаммоларни ҳал этган бўларди. Ҳозирча эса, олди-сотди ишларини қайддан ўтказиш ва расмийлаштириш пайтида ер участкаларининг ҳақиқий баҳолари номаълумлигича қолмоқда. Албатта, бу вазият бозорнинг криминаллашувига сабаб бўлиши мумкин. Аксинча эса, давлат ер кадастрининг ерларни баҳолаш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, кўчмас мулк бозорини ва ипотекани ахборот билан қўллаб-қувватлаган бўларди. Шунингдек, ерларнинг олди-сотдиси билан ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа ишлар билан шуғулланиш мақсадида юрган барча манфаатдор шахсларни ерларнинг ҳақиқий баҳосидан хабардор қилиш имконияти юзага келган бўларди. Бундан ташқари, ерларни баҳолаш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш солиққа тортиш, ерларнинг норматив қийматини белгилаш мақсадларида ҳам катта аҳамият касб этади. Ерларнинг бозор баҳосини давлат ва маҳаллий эҳтиёжлар учун олиб қўйилганда мулкдорлар кўрадиган зиённи қоплаш мезонларига асос бўлиб хизмат қилади.

Ерларнинг давлат кадастр баҳолаши ўтказилиши натижасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида аниқ маълумотлар олинади. Бу эса, ер ресурслари ва улар билан

боғлиқ бошқа кўчмас мулк объектлари устидан янада самарали бошқарувни амалга ошириш имконини беради. Келажакда ерларни кадастрлаб баҳолаш ер ресурслари устидан давлат бошқаруви функцияси сифатида амалга оширилади. Бунда, давлат ер кадастри ер участкаларининг иқтисодий тавсифи тўғрисидаги ишончли ахборотларни таъминлайди. Натижада, вазифалар, мақсадлар ва ҳуқуқий тартибга солиш йўллари аниқ белгилаб берилади.

Кейинги пайтларда юридик адабиётларда давлат бошқарувининг асосий функциялари қаторида «Ер учун тўлов тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш тез-тез тилга олинмоқда. Ушбу қонуннинг мақсади ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларни муҳофаза қилиш, қонунчиликда кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун тегишли бюджетларни тўлдиришдан иборат.

Ер учун тўловлар белгиланган шаклларда, яъни ер солиғи ва ижара ҳақи шаклида амалга оширилади. Ер солиғи миқдори хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ эмас. У ер майдони бирлиги учун барқарор тўловлар сифатида белгиланади. Қонунчиликнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, давлат ер кадастри маълумотларидан фойдаланмасдан туриб, ерларни солиққа тортиш ишларини амалга ошириш мумкин эмас, деган хулосага келиш мумкин. Ер учун тўлов миқдорини аниқлашда ердан қандай мақсадда фойдаланилаётганлиги катта аҳамият касб этади, чунки у ер тоифасига боғлиқ равишда турлича бўлади².

Ер тўловларини ундириш жараёнида маълумотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун амалдаги қонунчиликка ушбу маълумотларни олишнинг ягона стандартлари ва шакллари белгилаш мақсадида баъзи бир ўзгаришлар киритиш лозим. Шунингдек, солиқ ва давлат-

нинг бошқа органларига давлат ер кадастри маълумотларини бериш ва улар билан шундай маълумот алмашиш тизими ҳам жиддий ишлаб чиқишига муҳтождир.

Ҳозирги кунгача ерларнинг инвентаризацияси уларни ҳисоб-китоб қилишнинг асосий қисми сифатида тўлиқ ниҳоясига етказилмаган, ҳудудларнинг ягона кадастрга оид зоналаштириш ишлари амалга оширилмаган. Шунинг учун ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг самарали механизмини таъминлаш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Асосан бу белгиланган кўрсатмаларни амалда ҳаётга татбиқ этишга иқтисодий чора-тадбирларни молиялаштириш тааллуқлидир. Уларнинг лозим даражада амалга оширилиши баҳолаш фаолияти услубининг ўзгартирилишига имкон яратган бўларди. Масалан, ерларни идентификация қилиш, яъни қиёслаш тизими ҳар бир ер участкасидан олинадиган даромадлар ер тўловларини ундириш учун дастлабки асос бўлиши мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда давлат ер кадастри билан боғлиқ яна бир муҳим ҳолатни эътиборга олишимиз лозим. Солиқ кодексининг 283-моддасидан қишлоқ хўжалиги ерларидан ер солиғи унинг бонитет балига қараб ундирилиши кўзда тутилган. Яъни, ернинг бонитет бали юқори бўлгани сайин ундириладиган солиқ тури ҳам ошиб боради. Айни дамда преференциялар ҳам кўп ҳолда унумдорлиги паст ерлар учун берилаётганлигини ҳисобга олсак, бундай амалиёт қишлоқ хўжалиги ерларида маҳсулот етиштирувчи субъектларни ерлар унумдорлигини оширишдан манфаатдорлигини пасайтиради. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги ер участкасидан фойдаланувчи солиқ тўловчи ер участкаси унумдорлигини оширишга ҳаракат қилмайди. Бу, ўз навбатида, мазкур механизмни кўриб чиқиш ҳамда ер участкаси унумдорлигини ошираётган субъектлар

учун қўшимча имтиёзлар назарда тутувчи тартибни жорий этишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан назарда тутиладиган маблағлар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари ва ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириб, агросаноат ишлаб чиқариши жараёнини ривожлантириш, бозор қонуниятларини шакллантириш механизмларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳисоб-китоби, молиявий-ижтимоий ҳолати ва истиқболни белгилашда муҳим аҳамият касб этиб, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш механизмини таъминлашга хизмат қилади.

Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш давлат бошқарувини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунончи, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни унда ҳосилдорлик даражасини оширишни, уни муҳофаза этишда давлатнинг ролини, унинг бошқарув функциясини кучайтирмасдан, такомиллаштирмасдан ҳал этиш мумкин эмас.

Бу муаммони тўғри ҳал этиш учун, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи органнинг, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш

функциясини такомиллаштириш лозим. Мамлакатимизда ҳозирда амалда бўлган ерга оид қонунларда Олий Мажлиснинг табиатнинг у ёки бу объектини муҳофаза этиш ва оқилона фойдаланиш бўйича функциясини белгилайдиган қоидалар ўз ўрнини топиши лозим. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа қонунларида Олий Мажлиснинг шу соҳалардаги ваколатларини белгиловчи меъёрий қоидалар ўз ифодасини топмаган.

Иккинчидан, Олий Мажлиснинг ерга доир бошқарув ваколатларини такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Бизнингча, унинг ерга оид функциясини амалга оширишда қўмита ва махсус комиссиялари фаолиятининг муҳимлигини эътиборга олиб, уларнинг тузилиши, вазифаси ва икки палатали парламент тизимида доимий асосда қонун ижодкорлиги фаолиятини олиб борувчи профессионал палата структурасида қўмиталарнинг ҳуқуқий ҳолатини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг ҳамда Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари қўмитасининг ер соҳасидаги қонун ижодкорлиги ва амалдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат фаолиятини кучайтириш керак. Чунки, амалда ушбу қўмитанинг ерга оид қонун ҳужжатларининг амалиётда бажарилиши устидан назорати фақат Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳисоботи ёки ахборотини эшитиш билангина чекланиб қолмоқда. Бизнингча, бу қўмита шу йўналишдаги вазифасини ривожлантириши, ерга оид барча қонунларни давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориши лозим. Шундагина Олий Мажлис то-

монидан қабул қилинган қонунларнинг таъсир кучи, самарадорлиги ошади, уларнинг амалиётдаги ижросини таъминлашга, давлатнинг бошқарув ваколатини тўла бажаришга эришилади.

Давлатнинг ерга оид бошқарув функциясини ривожлантиришда ижро этувчи давлат органларининг фаолиятини ҳамда ташкилий тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бугунги кунда ижро органларининг ер бойликларини муҳофаза қилиш фаолияти, ер ресурслари соҳасидаги махсус давлат органлари тузилмаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш талаблари даражасида эмас. Бундай ҳолатни биз Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ҳокимликлари, вазирликлар, давлат идора ва қўмиталарининг фаолиятларида кўришимиз мумкин. Ҳанузгача амалиётда ер ресурсларини муҳофаза қилиш масаласига иккинчи даражали вазифа, ер ресурсларидан фойдаланиш, уларни иқтисодий маънода эксплуатация қилиш масаласига биринчи даражали вазифа сифатида қараш устувор бўлиб келмоқда. Ижро органлари фаолиятида биз ер ресурсларидан интенсив фойдаланиш эмас, балки уни муҳофаза қилиш борасида устуворликни таъминлашга эришимиз лозим. Бунга фақат ижро органларининг бу йўналишдаги фаолиятларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин.

Фикримизча, ижро органларининг фаолиятини такомиллаштириш учун уларнинг ташкилий тузилишларини ҳам ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш керак. Бунда, ривожланган давлатларнинг ер бойликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи бошқарув органлари ташкилий тузилмаларини ўрганиш, улар тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик ривожланган давлатларнинг

тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда ер ресурсларини муҳофаза қилиш масалалари билан махсус вазирлик шуғулланади. Мамлакатимизда эса, ер муҳофазаси соҳасидаги махсус давлат бошқаруви билан Кадастр агентлиги шуғулланади, яъни бу муҳим соҳани вазирлик эмас, балки агентлик бошқаради. Шу сабабдан, ер бойликларини муҳофаза қилишнинг ўта муҳимлигини, бу муаммо бугунги кунда энг муҳим муаммолардан бири эканлигини, бунда давлатнинг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу соҳани давлат кўмитаси билан эмас, балки юқори мақомга эга бўлган вазирлик билан бошқариш мақсадга мувофиқдир. Айтилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигини вазирликка айлантириш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи Низомни ишлаб чиқиш лозим.

Шу ўринда, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Хитойда Ер ресурслари вазирлиги, Японияда Ер, инфратузилмалар, транспорт ва туризм вазирлиги, Жанубий Кореяда Ер, транспорт ва денгиз ишлари вазирлиги, Либерияда Ер, кон ва энергия ишлари вазирлиги, Янги Зеландияда Ер вазирлиги, Жанубий Африка Республикасида Қишлоқни қайта тиклаш ва ривожлантириш, ер ислохотлари вазирлиги, Уругвайда Уй-жой қурилиши, ердан фойдаланиш ва атроф-муҳит вазирлиги, Венесуэлада Қишлоқ хўжалиги ва ер вазирлиги фаолият кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин³.

Таъкидлаш лозимки, ер ресурсларини муҳофаза қилишда соҳавий бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат бошқарувини кучайтириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида, Гидрология ва минерал ресурслар давлат кўмитасида Ер ресурслари Бош бошқармалари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, вилоят ва туман ҳокимликларида Ер бўлимларини ташкил этиш яхши натижаларга олиб келган бўлар эди.

Давлатнинг ер ресурсларини бошқариш функциясини ривожлантириш учун бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг фаолиятини ҳам такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Чунки, ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасида суд, прокуратура, ички ишлар органлари амалиёти бугунги кун талаби даражасидан орқада қолмоқда. Бугунги кунда амалдаги қонунларимизда ер ресурсларини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг самарадорлиги паст даражада.

Амалиётдаги ушбу камчиликларни қуйидаги ҳолатлар билан изохлаш мумкин. Булар, биринчидан, қонунда ерга етказилган зарарга тўғри баҳо берилмаганлигида; иккинчидан, зарар миқдорини аниқ ҳисоблашнинг қийинлигида; учинчидан, ер ресурслари қийматининг белгиланмаганлигида; тўртинчидан ушбу зарарни ҳисоблаб чиқишнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаганлигидадир.

Ш. БОБОКУЛОВ,
юрidik фанлар номзоди

¹ Самохина Е. Как работают оценщики // Закон. – Москва, 1999. – №5. – С. 61.

² Бу ҳақда қаранг: Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмининг ҳуқуқий таъминлаш масалалари. – Тошкент, ТДЮИ, 2010.

³ Chiefs of State and Cabinet Members of Foreign Governments directory. – USA, NY: CIA (Central Intelligence Agency), September, 2011.